

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.I.01.11 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ШАДМАНОВ ШУХРАТ ШЕРКУЛОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ МУТАНОСИБ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on economical
sciences**

Шадманов Шухрат Шеркулович

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш
инфратузилмасини мутаносиб ривожлантиришнинг назарий асосларини
такмиллаштириш..... 5

Шадманов Шухрат Шеркулович

Совершенствование теоретических основ пропорционального развития
производственной инфраструктуры в условиях модернизации
экономики.....

Shadmanov Shukhrat Sherkulovich

Improving theoretical foundations of proportional development of production
infrastructure in conditions of modernization of economy

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 03/30.12.2019.I.01.11 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ШАДМАНОВ ШУХРАТ ШЕРКУЛОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ МУТАНОСИБ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида 28.04.2016/В2016.2.І670 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (rektor@nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Вахобов Алишер Васикович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Абулкасимов Хасан Пирназарович**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ҳақбердиев Қахрамон Курбанович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат шарқшунослик институти**

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети хузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019.І01.11 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ соат ___⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (99871) 227-12-24; 246-02-24 факс: (99871) 246-90-80; e-mail: rektor@nuu.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (99871) 227-12-24 факс.: (99871) 246-90-80), e-mail: rektor@nuu.uz

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ да тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Г. Юлдашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Қ.Қ. Мамбетжанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари доктори

А.В. Вахабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини таъминлашда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг юқори даражада ривожланганлиги, айниқса, унинг таркибий тузилиши ва иқтисодий салоҳиятининг миллий иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳалари эҳтиёжларига тўла равишда мувофиқ келиши ҳозирги даврнинг асосий талабларидан бирига айланган. “Инфратузилма мамлакатнинг рақобатбардошлиги, унинг гуллаб-яшнаши ва ижтимоий фаровонлиги асосидир”.¹ Шунга кўра, Сингапур, Япония, Буюк Британия, АҚШ, Германия Франция, Хитой сингари жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида иқтисодиёт тармоқларини ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари билан етарли даражада таъминлаш, инфратузилма соҳасининг барқарор иқтисодий ўсиш талабларига мувофиқ ҳолда ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирда жаҳонда ишлаб чиқариш инфратузилмаси, жумладан, унинг энг аҳамиятли таркибий қисмлари ҳисобланган транспорт ва логистика, ахборот-коммуникация тизими, энергетика ва бошқа тармоқларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсирини илмий тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда, урбанизация даражасининг ортиб бориши, халқаро ва минтақавий даражадаги интеграцион алоқаларнинг кучайиши, smart-технологиялар ва рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнларининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибидаги муҳим силжишларга таъсири кучайиб бормоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган жадал ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиш тенденцияси ва муаммоларини, унинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирининг концептуал асосларини ишлаб чиқиш орқали мавжуд иқтисодий салоҳиятдан янада тўлароқ фойдаланиш, инфратузилма объектлари амал қилиш самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлантириш, бозор механизмларидан самарали фойдаланиш борасида жаҳон тажрибасини ўрганиш ва мақсадли қўллаш каби муаммоларнинг ҳал этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунга кўра, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида “ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, ... йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиёт, ижтимоий соҳага, бошқариш тизимига инфор­мацион-коммуникацион технологияларни жорий этиш”² каби устувор вазифалар белгилаб берилди. Шунингдек, ривожланиш жиҳатидан турлича бўлган иқтисодий тизимларда ишлаб чиқариш инфратузилмаси аҳамиятининг ўзгариб бориши, ушбу

¹ Asian Development Bank. Meeting Asia's infrastructure needs. Mandaluyong City, Philippines: Asian Development Bank, 2017.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. – www.lex.uz

муаммоларни чуқур ва ҳар томонлама назарий-услубий жиҳатдан тадқиқ этиш зарурлиги мазкур диссертация мавзусининг долзарблигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сон «Иқтисодий янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 10 январдаги ПФ-5621-сон «Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2017 йил 2 декабрдаги ПҚ-3422-сон «2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сон «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инфратузилманинг моҳияти, унинг иқтисодий табиати ва ривожланиш хусусиятлари қатор хорижий олимлар, жумладан, Розенштейн-Родан П., Иохимсен Р., Нурске Р., Грамлич Э., Льюис В.А., Саху Правакар, Де ла Фуенте, Эсташе А., Прудхомм Р. ва бошқалар томонидан ўрганилган³.

Шунингдек, инфратузилма тармоқларининг иқтисодий таъсири даражаси МДХ мамлакатларининг кўплаб иқтисодчилари, жумладан, Власов В.В., Гарнов А.П., Киселева Т., Глушич Н.Г., Меньшиков С., Муханова Е.Б., Рыбаков Р.А., Платонов В.С., Стаханов В.И., Федько В.П., Федько Н.Г. каби олимлар томонидан ўрганиб чиқилган⁴.

³ Rosenstein-Rodan, P.N. The Notes of the Theory of the “Big Bush” in Economic Development for Latin America / P.N.Rosenstein-Rodan. – London. – New York, 1961.; Jochimsen R. Theorie der Infrastruktur - Tubingen: Mohr. 1966.; Nurbse, R. Problems of Capital Formation in Undeveloped Countries / R. Nurbse. – Oxford, 1995; Edward M. Gramlich, “Infrastructure Investment: A Review Essay”. Journal of Economic Literature, Vol. 32, No. 3. (Sep., 1994), pp. 1176-1196; 60. Lewis, W.A. The Theory of Economics Growth / W.A.Lewis. – London, 1995.; Sahoo, Pravakar. “Transport Infrastructure in India: Developments, Challenges Lessons from Japan.”Published by Institute of Developing Economies, Japan External Trade Organization (IDE-JETRO),2011, No.465.; Prudhomme R. Infrastructure and Development, Washington DC, Paper prepared for the ABCDE (Annual Bank Conference on Development Economics), May 3-5, 2004; De la Fuente, A. and A. Estache. “Infrastructure Productivity and Growth: A quick survey” Washington DC., WBIGF, mimeo, 2004.

⁴ Власов В.В. Япония: производственная инфраструктура. М.,1991.; Проблемы функционирования и развития инфраструктуры России в переходный период. Под ред. В.П.Лившица. - М., 1996.; Гарнов А.П. Комплексное развитие инфраструктуры рынка средств производства в России. М, 1995.; Киселева Т. Инфраструктура рыночного хозяйства. Российский экономический журнал. 1994, №3.; Меньшиков С. Инфраструктуре нужна целостность. Экономика и жизнь. 1995, №15.; Муханова Е.Б. Теоретические основы и пути формирования рыночной инфраструктуры. – М.: ИЭ РАН, 1994.; Платонов В.С., Стаханов В.И. Формирование

Ўтиш даври иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда асосан бозор ва қишлоқ хўжалиги инфратузилмасининг ривожланиши муаммолари Н.Бекмуродов, К.Мадрахимов, А.Джураев, Ч.Муродов, М.Орипов, Б.Салимов, А.Турсунов, К.Хақбердиев, Қ.Чориев, К.Ўлжабоев ва бошқалар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилган⁵.

Ўрганиб чиқилган адабиётлар ва тадқиқотларнинг асосий жиҳатларини қуйидаги умумий хулосалар орқали ифодалаш мумкин: мавжуд илмий тадқиқотларнинг маълум қисми аниқ иқтисодий фан соҳаси нуқтаи-назаридан тармоқ миқёсида амалга оширилиб, комплекс тарзда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодий мазмуни ва амал қилишининг назарий асосларини ўрганишга қаратилмаган; МДХ давлатлари, жумладан Ўзбекистонда амалга оширилган илмий ишларнинг аксарият қисми ўтиш даври иқтисодиётидаги бозор инфратузилмаси муаммоларини ўрганишга йўналтирилган; республикамиздаги ишлаб чиқариш инфратузилмасига оид бир қатор тадқиқотлар унинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хусусиятлари ва амалий муаммоларига қаратилган; хорижий илмий тадқиқотларда асосий эътибор инфратузилмага умумий равишда қаралиб, унинг ривожланишини иқтисодиётга таъсирини регрессион таҳлиллар асосида ўрганишга бағишланган ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси, унинг иқтисодиётга таъсири механизмлари ва йўналишларининг назарий асосларини ривожлантиришга эътибор қаратилмаган ва тизимли равишда ўрганилмаган; инфратузилма соҳаси тадқиқига бағишланган айрим илмий ишлар иқтисодиётдаги статик ҳолат нуқтаи назаридан амалга оширилган, унинг динамикадаги, айниқса, кейинги йиллардаги иқтисодиётни жадал ривожлантириш, модернизациялаш, диверсификациялаш жараёнларидаги назарий қоида ва хусусиятларига боғлиқлиги масалаларига эътибор қаратилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ФМ-1 «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш инфратузилмасини самарали, мутаносиб ривожлантиришнинг назарий асосларини, амал қилиш йўналишлари ҳамда механизмларини

инфраструктуры региональных рынков средств производства. – Ростов, 1993.; Фёдко В.П., Фёдко Н.Г. Инфраструктура товарного рынка. Ростов на Дону: Феникс, 2000. – 512с.; Инфраструктура рынка: проблемы и перспективы: Учен.зак. Под ред. В.П.Фёдко. Вып.1,2,3. Ростов на Дону, 1996,1997, 1998 гг.

⁵ Хақбердиев К.К. Макроэкономические аспекты становления и развития рыночной инфраструктуры Республики Узбекистан. Т, 2000; Чориев Қ.А. Бозор инфратузилмасини шакллантириш – иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш гарови // Республика илмий-амалий семинар маърузалар тўплами. – Т.: ЎзБИИТИ, 1998й; Бекмуродов Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг минтақавий хусусиятлари. 08.00.12. – Минтақавий иқтисодиёт. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун дисс. Т.: ЎзМУ.; Мадрахимов К. Э. Совершенствование функционирования инфраструктуры малого предпринимательства (на примере Хорезмской области). Автореф. дис. к.э.н. – Т., 2005.; Муродов Ч. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши (аграр сектор мисолида). И.ф.д. илмий даражасини олиш учун дисс. Т., 2003.

такомиллаштириш борасидаги илмий хулоса ва амалий таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодий мазмуни ва уни ривожлантиришнинг назарий асосларини тадқиқ этиш;

ишлаб чиқариш инфратузилмасининг таркибини аниқлаш, муайян тизимга солиш ва яхлит тизим сифатидаги амал қилиш тамойилларини очиб бериш;

ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларининг иқтисодиётга таъсири механизмларини очиб бериш ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришишда улардан фойдаланишни такомиллаштириш;

ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланиши ҳамда амал қилиш самарадорлигини баҳолашнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш;

иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистонда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланиш жараёнини таҳлил қилиш ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш ҳамда улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

иқтисодиётни жадал ривожлантириш, модернизациялаш, диверсификациялаш шароитида ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини илмий жиҳатдан асослаш;

ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш жараёнларини тартибга солишнинг давлат ва бозор механизмларини такомиллаштириш ҳамда рағбатлантириш борасида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон иқтисодиётининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш жараёнида вужудга келувчи ва амал қилувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқоти жараёнида илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, монографик тадқиқ этиш, диалектик, икки томонлама ёндашув ва таҳлил, таққослаш, омиллар боғлиқлигининг корреляцион ва регрессион таҳлил усуллари, истиқбол кўрсаткичларини ҳисоблашнинг иқтисодий-математик усуллари ва бошқа усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлигига инфратузилма хизматлари ҳажмининг иқтисодиёт соҳаларига мувофиқлигини ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро мутаносибликни таъминлаш орқали эришиш мумкинлиги асосланган;

ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибий қисмларининг ривожланиши ва мутаносиблиги даражасининг ошиши бевосита иқтисодиётга, уни модернизациялаш жараёнларига, билвосита иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги алоқаларни кучайтиришга, узлуксизлигини таъминлашга ҳамда умумий самарадорликга таъсир этиши назарий жиҳатдан баҳоланган;

ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасидаги нархларнинг шаклланиши, инвестицияларни жалб қилиш, ишлаб чиқариш хажмлари ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ айрим салбий тенденцияларни ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларида давлат ва хусусий сектор иштирокининг оптимал даражасини таъминлаш орқали такомиллаштириш мумкинлиги асосланган;

транспорт тармоғининг ривожланишига ЯИМ ва аҳоли сонининг ўсиши каби омилларнинг таъсир этиш даражасини регрессион таҳлиллар асосида аниқлаш орқали тармоқнинг 2030 йилгача бўлган иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқариш инфратузилмасининг таркибий қисмлари таснифланган ва янада такомиллаштириш йўналишлари берилган;

ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсирини ўрганишга комплекс ёндашилиб, унинг концептуал асослари тизимли равишда очиб берилган;

ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлигини аниқлашнинг услубий асослари ишлаб чиқилган;

иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари асосланган;

ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда тартибга солишда давлат ва бозор механизмларидан унумли фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги унда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги ҳамда бошқа вазирлик, компания, ташкилотлардан олингани, тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мазкур тадқиқот жараёнида олинган илмий хулоса ва амалий тавсиялардан ўрта ва узоқ муддатли истиқболда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда амал қилиш механизмларини янада такомиллаштириш муаммоларини чуқур тадқиқ этишга бағишланган махсус тадқиқот ишларини олиб боришда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мазкур тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган илмий ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги фаолиятларида миллий иқтисодиётининг ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш имкониятларини берувчи ишлаб чиқариш инфратузилмасининг муҳим тури бўлган йўл-транспорт тармоғини янада ривожлантиришга ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш инфратузилмаси лойиҳаларини амалга ошириш

борасида берилган таклифларни амалиётда қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий ва амалий таклифлар асосида:

миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш инфратузилмаси самарадорлигига инфратузилма хизматлари ҳажмининг иқтисодиёт соҳаларига мувофиқлигини ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро мутаносибликни таъминлаш орқали эришиш мумкинлиги тўғрисидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлигида (Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлигининг 2019 йил 2 июлдаги 3/2323-2641-сон маълумотномаси) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг фаолиятида (Ўзбекистон Республикаси Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 3 январдаги 08/09-28-32/60-сон маълумотномаси) транспорт тармоғининг 2035 йилгача ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланилган. Натижада, истиқболда энергетика, транспорт, сув таъминоти ва бошқа инфратузилма тармоқларининг иқтисодиётга мутаносиблигини ошириш йўналишлари аниқланди ва турли тармоқлар фаолиятини ташкил этиш жараёнларини бир неча поғонага бўлиш, яъни молиялаштириш, ишлаб чиқариш, етказиб бериш, аҳоли билан ишлаш ва уларнинг хусусий сектор зиммасига юклатилиши мумкин бўлган қисми ва турларини аниқ белгилаш мумкин бўлди;

ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибий қисмларининг ривожланиши ва мутаносиблиги даражасининг ошиши бевосита иқтисодиётга, уни модернизациялаш жараёнларига, билвосита иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги алоқаларни кучайтиришга, узлуксизлигини таъминлашга ҳамда умумий самарадорликга таъсир этишини назарий жиҳатдан баҳолаш тўғрисидаги таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигида (Ўзбекистон Республикаси Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 3 январдаги 08/09-28-32/60-сон маълумотномаси) ва Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлигида (Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлигининг 2019 йил 2 июлдаги 3/2323-2641-сон маълумотномаси) ишлаб чиқариш инфратузилмаси лойиҳаларини иқтисодий асослаш жараёнида фойдаланилган. Натижада давлат-хусусий шерикчилик асосида амалга оширилаётган ишлаб чиқариш инфратузилмаси лойиҳаларининг иқтисодиёт тармоқларига бўлган таъсирини, уларни иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини аниқ ва тўлиқ баҳолашга эришилди;

ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасидаги нархларнинг шаклланиши, инвестицияларни жалб қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ айрим салбий тенденцияларни ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларида давлат ва хусусий сектор иштирокининг оптимал даражасини таъминлаш орқали такомиллаштириш мумкинлиги тўғрисидаги таклифидан Ўзбекистон Республикаси Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигида (Ўзбекистон Республикаси Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 3 январдаги

08/09-28-32/60-сон маълумотномаси) ва Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги фаолиятида (Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлигининг 2019 йил 2 июлдаги 3/2323-2641-сон маълумотномаси) ишлаб чиқаришга жалб этилаётган мақсадли инвестицион лойиҳаларни самарали амалга ошириш ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларида давлат ва хусусий сектор иштирокини таъминлаш орқали ушбу жараёндаги айрим салбий тенденцияларни бартараф этишда фойдаланилган. Натижада, инфратузилма тармоқларининг хусусий сектор бошқарувига берилиши мумкин бўлган қисми ва даражаси ҳам аниқлаштирилди.

транспорт тармоғининг ривожланишига ЯИМ ва аҳоли сонининг ўсиши каби омилларнинг таъсир этиш даражасини регрессион таҳлиллар асосида аниқлаш орқали тармоқнинг 2030 йилгача бўлган иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларидан Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлиги (Ўзбекистон Республикаси транспорт вазирлигининг 2019 йил 2 июлдаги 3/2323-2641-сон маълумотномаси) ва Ўзбекистон Республикаси Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг фаолиятларида (Ўзбекистон Республикаси Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигининг 2020 йил 3 январдаги 08/09-28-32/60-сон маълумотномаси) тармоқни 2035 йилгача ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланилган. Ушбу таклифни жорий этиш натижасида транспорт тармоғидаги давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш кўрсаткичларини такомил-лаштириш ва мувофиқлаштиришга эришилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, 1 та рисола, миллий ОАК эътироф этган журналларда 7 та, нуфузли хорижий журналларда 2 та илмий мақола, шунингдек, халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда 14 та маъруза тезислари нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 149 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг моҳияти ва уни тадқиқ қилишнинг услубий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида ишлаб чиқариш инфратузилмаси тўғрисидаги турли хил концепция, назариялар

таҳлил этилган, унинг иқтисодий мазмуни, таркиби ва амал қилиш тамойиллари очиб берилган, шунингдек, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодиётга таъсири ва амал қилиш самарадорлигини баҳолашнинг услубий масалалари тадқиқ қилинган.

Диссертация ишида инфратузилма тушунчасига берилган таърифларнинг мантиқий таҳлили уларда асосан инфратузилманинг у ёки бу жиҳатини ифодалаш билан чекланилганлиги, унинг барча белги ва жиҳатларини қамраб олувчи ва намоён этувчи яхлит таърифнинг мавжуд эмаслиги, инфратузилма тушунчасига умумий равишда қаралиб, ишлаб чиқариш инфратузилмаси алоҳида ажратилмаганлиги каби назарий муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тарихан ва мантиқан меҳнат жараёнида асосий ва ёрдамчи функцияларнинг ажралиши асосида вужудга келиб, кейинчалик ихтисослашув жараёни уларни мустақил йўналиш сифатида шаклланишига замин яратди. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси иқтисодий тизимда тақрор ишлаб чиқаришнинг барча фазалари (ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол) бирлигини, унинг узлуксиз амал қилишини таъминлаб, иқтисодий тизимнинг самарали амал қилиши ва ривожланишини бевосита ва объектив шартларидан бирига айланади.

Илмий адабиётлардаги таърифларни умумлаштирган ҳолда ишлаб чиқариш инфратузилмасини қуйидагича таърифлаш мумкин: “Ишлаб чиқариш инфратузилмаси асосий ишлаб чиқариш соҳаларига хизмат қилиб, унинг самарали ва узлуксиз амал қилиши учун зарур бўлган умумий шарт шароитларни яратувчи ва таъминловчи объектлар мажмуидан иборат бўлиб, ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш бўйича турли кишилар, субъектлар (корхона ва ташкилотлар) ўртасидаги иқтисодий муносабатларни намоён этади”.⁶

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизматларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш бўйича субъектлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тизимини қуйидагича тасвирлаш мумкин (1-расм).

Тадқиқот ишида ишлаб чиқариш инфратузилмасининг турли манбаларда келтирилган ўзига хос белги ва хусусиятлари таҳлил қилиниб, қуйидагича тизимлаштирилган:

ишлаб чиқариш инфратузилмаси фаолиятини йўлга қўйишнинг йирик ҳажмдаги бошланғич сарф-харажатларни тақозо этиши;

ишлаб чиқариш инфратузилмасига жалб этилган капитални муомалада бўлиши (айланиши)нинг узок муддатли даври;


ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизматларини импорт қилишнинг чекланганлиги;

ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларининг мамлакат, минтақа иқтисодиётига билвосита таъсири;

ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизматларининг тармоқлараро аҳамият касб этиши;

⁶ Муаллиф ишланмаси асосида тузилган.

ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизматлари истеъмолининг ижтимоий тавсифи.



1-расм. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодий муносабатлар тизими сифатида амал қилиши⁷

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ўзига хос хусусиятлари иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига қараганда фарқ қилади ва унинг бозор иқтисодиёти шароитида амал қилишини ва иқтисодиётга таъсирини алоҳида кўриб чиқишни тақозо қилади.

Инфратузилма тизимининг ривожланиши ва самарали фаолияти мамлакат ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг яхшиланишига таъсирини бир неча жабҳада кузатиш мумкин (2-расм):

бевосита таъсири – инфратузилма тармоқлари томонидан ишлаб чиқарилган хизматлар ҳажми ва уларнинг ЯИМга қўшган ҳиссаси;

билвосита таъсири – инфратузилма тармоқлари хизматлари фойдаланувчилари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг ортиши ва уларнинг ЯИМга қўшган ҳиссаси.

мультипликатив таъсири – инфратузилма объектларининг иқтисодиётдаги сифат кўрсаткичларига таъсири орқали тавсифланиб, иқтисодиёт тармоқларидаги ўзаро алоқаларнинг барқарор йўлга қўйилиши, уларнинг узлуксизлигини таъминлаши, тизимдаги бўшлиқларни тўлдириши, яхлит иқтисодий тизим сифатида шаклланиши, ривожланиши ва унинг самарадорлиги

⁷ Муаллиф ишланмаси асосида тузилган.

ҳамда рақобатбардошлигини ошириш оқали узоқ муддатда барқарор иқтисодий ўсишга ўз ҳиссасини қўшади.

Мавжуд илмий ишлар таҳлили ишлаб чиқариш инфратузилмасининг амал қилиш самарадорлигини уч хил ёндашувда: ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларининг тўғридан тўғри хизматлари ҳажми орқали; ишлаб чиқарувчиларнинг инфратузилма хизматлари билан таъминланганлик даражаси орқали; ишлаб чиқариш инфратузилмаси хизматларининг истеъмолчиси томонидан олинадиган самара орқали баҳолаш услубияти мавжуд эканлигини кўрсатмоқда.



2-расм. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожининг ишлаб чиқариш соҳалари ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётига таъсири⁸

Фикримизча, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодиётга таъсирининг барча жиҳатларини тўлиқ ҳисобга олиш учун Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясининг логарифмик кўринишидан фойдаланиш, лекин бунда унинг мультипликатив таъсирини ҳисобга олиш мақсадида унга вақт омилени қўшиш мақсадга мувофиқдир:

$$\ln Q_t = \ln A + a \ln K_t + b \ln L_t + c \ln G_t + d \ln G_{t-1} + e \ln G_{t-2} + \dots \quad (1)^9$$

Бу ерда:

⁸ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

⁹ Муаллиф ишланмалари асосида тайёрланган

Q_t – t даврдаги ишлаб чиқариш ҳажми (ЯИМ);

K_t – t даврдаги хусусий капитал ҳажми;

L_t – t даврдаги ишчи кучи сони;

A – ялпи омил унумдорлиги;

G_t, G_{t-1}, G_{t-2} ва ҳ.к. – ишлаб чиқариш инфратузилмасига қўйилган капитал ҳажмининг мос равишда бир, икки ва ундан аввалги даврлардаги ҳажми, яъни вақт “лаг”лари;


c, d, e ва ҳ.к. – мос равишда бир, икки ва ундан аввалги даврлардаги капитал ҳажмининг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири коэффициентлари.

Моделга вақт омили (вақт лаги)нинг қўшилиши аввалги даврлардаги инфратузилма соҳасига қўйилган инвестиция ҳажмининг кейинги даврдаги ЯИМ ҳажмига таъсирини ўрганиш имкониятини бериб, унинг мультипликатив таъсирини тўлароқ ифодалаш имконини яратади.

Диссертациянинг «Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва асосий тенденциялари» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистонда ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва унинг таркибий қисмларининг ривожланиши тенденциялари, самарадорлиги ва иқтисодиётга мутаносиблиги муаммолари тадқиқ қилинган.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасининг 2010-2018 йиллардаги ўртача ўсиш суръати 7,2%ни ташкил этишига қарамай, унинг таркибий қисмлари кесимида ўртача ўсиш суръати кескин фарқ қилади. Алоқа ва ахборот ҳамда сув, канализация ва чиқиндиларни йиғиш тармоқларида айни кўрсаткич мос равишда 23,6% ва 16,0%ни ташкил этган бўлса, транспорт ва электр, газ, буғ билан таъминлаш тармоқларида мос равишда 7,9% ва 4,9%ни ташкил этмоқда.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланишини таҳлил этишда иқтисодиётнинг улар билан таъминланганлиги даражасини ҳисобга олиш ўта муҳим ҳисобланади. Осиё тараққиёт банки хулосаларига кўра инфратузилманинг хизматлари ҳажмининг ошиши эмас, балки улар билан таъминланганлик даражаси ва киши бошига ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичи ўртасида кучли боғлиқлик мавжуд (3-расм).



3-расм. Киши бошига ҳисобланган ЯИМ ва инфратузилма ривожланиши индекси ўртасидаги боғлиқлик¹⁰

¹⁰ Asian Development Bank. Meeting Asia's infrastructure needs. Mandaluyong City, Philippines: Asian Development Bank, 2017.

Ўзбекистонда инфратузилма билан таъминланганлиги даражаси жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган давлатларига нисбатан паст. Унинг айрим турлари билан таъминланганлик даражаси Осиёнинг ривожланаётган давлатларига нисбатан ҳам пастроқ (1-жадвал).

1-жадвал.

Ўзбекистон ва ОТБга аъзо мамлакатларда ишлаб чиқариш инфратузилмаси билан таъминланганлик даражаси ва унинг ўсиши¹¹

| Инфратузилма турлари | Инфратузилма билан таъминланганлик даражаси | | Инфратузилма билан таъминланганлик даражасининг ўсиши | | |
|--|---|---|---|---|-----|
| | Ўзбекистонда | ОТБга аъзо ривожланаётган мамлакатларда | Ўзбекистонда | ОТБга аъзо ривожланаётган мамлакатларда | |
| Автомобиль йўли (км. хар 1000 кв.км.га) | 212 | 510 | - | 4,8 | |
| Темир йўл (км. хар 1000 кв.км.га) | 10 | 8,2 | 1,4 | 0,6 | |
| Электр энергия (кВт киши бошига) | 0,42 | 0,48 | -0,9 | 7,4 | |
| Электр энергиясида ўртача узилишлар сони (хар ойда) | 2,1 | 8,4 | - | - | |
| Мобил алоқа абонентлари сони (хар 1000 кишига) | 701 | 864 | 55,4 | 22,1 | |
| Сув таъминоти | шаҳарда (%) | 99,5 | 96,6 | 0,1 | 0,2 |
| | қишлоқда (%) | - | 89,7 | - | 1,2 |
| Канализация | шаҳарда (%) | 99,3 | 76,1 | 0,2 | 0,8 |
| | қишлоқда (%) | 99,4 | 51,9 | 0,9 | 2,1 |

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланишининг самарадорлик кўрсаткичлари ҳам уларнинг иқтисодийёт билан боғлиқлигининг сифат кўрсаткичларини ифода этади. Таҳлиллар ишлаб чиқариш инфратузилмасига сарфланган инвестицияларнинг самарадорлиги тармоқлар бўйича кескин фарқ қилишини кўрсатмоқда (2-жадвал).

2-жадвал.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибий қисмларининг инвестицион самарадорлиги кўрсаткичлари¹²

| | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 |
|--|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| Ахборот ва алоқа | 1,97 | 3,40 | 4,70 | 4,82 | 5,90 | 4,72 | 5,59 | 4,12 | 7,77 |
| Транспорт | 2,84 | 4,33 | 4,51 | 4,33 | 5,52 | 6,35 | 4,58 | 5,57 | 3,92 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш | 2,36 | 1,63 | 1,37 | 0,80 | 0,98 | 4,00 | 3,92 | 2,13 | 0,66 |
| Сув, канализация ва чиқиндиларни йиғиш | 0,65 | 0,87 | 0,83 | 1,12 | 1,45 | 1,41 | 1,19 | 1,24 | 0,58 |

¹¹ Юқоридаги манбаа.

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

| | | | | | | | | | |
|--|------|------|------|------|------|------|------|------|------|
| Жами ишлаб чиқариш инфратузилмаси бўйича | 2,48 | 2,95 | 2,92 | 2,21 | 2,76 | 5,12 | 4,29 | 3,82 | 1,87 |
|--|------|------|------|------|------|------|------|------|------|

Бундай фарқларнинг мавжуд бўлиши бир томондан самарадорликни баҳолашнинг услубий масалалари билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан алоҳида олинган инфратузилма тармоқларининг иқтисодиёт соҳаларига мувофиқлиги билан изоҳланади.

Фикримизча, ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибий қисмларининг миллий иқтисодиёт соҳалари ривожланишига мувофиқлигини таъминлаш уларнинг самарадорлигига бевосита таъсир этади. Таҳлилларимиз, ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибий қисмларининг ЯИМга мутаносиблиги даражаси турлича эканлигини кўрсатмоқда (3-жадвал).

3-жадвал.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибий қисмларининг ЯИМ ўсишига мутаносиблиги кўрсаткичи¹³

| | 2010 | 2011 | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | ўртача |
|--------------------------------------|------|-------|-------|------|------|------|------|-------|------|--------|
| Ахборот ва алоқа | 4,18 | 5,32 | 3,20 | 2,80 | 3,84 | 2,15 | 2,40 | 4,77 | 3,11 | 3,53 |
| Транспорт | 1,34 | 1,61 | 1,27 | 1,05 | 0,64 | 0,58 | 1,28 | 2,22 | 0,89 | 1,21 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш | 2,70 | -0,13 | -0,16 | 0,32 | 0,85 | 0,98 | 1,61 | -0,74 | 0,80 | 0,69 |
| Сув, канализация, чиқиндиларни йиғиш | 2,70 | 2,07 | 1,10 | 1,07 | 4,88 | 1,05 | 2,02 | 3,94 | 3,85 | 2,52 |

Табиийки, ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибий қисмларининг ЯИМ ўсишига мутаносиблиги 1га тенг бўлиши шарт эмас. Мутаносиблик кўрсаткичлари алоҳида олинган тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг таркибий қисмлари ва ЯИМ ўсиши ўртасидаги узвий боғлиқлик мамлакатларнинг ривожланиш даражаси, ЯИМ ўсишининг сифат кўрсаткичларига ҳам боғлиқ. Бундай хулосалар бир қатор хорижий илмий тадқиқотларда ўз аксини топган¹⁴. Жумладан, уларда иқтисодиётнинг ривожланганлик даражаси, иқтисодиётда саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларининг улуши, инфратузилма билан таъминланганлик даражаси ва урбанизация даражаси каби омиллар ҳисобга олинган.

Ўрта даромадли давлатларнинг кўрсаткичлари (4-жадвал) билан Ўзбекистондаги ишлаб чиқариш инфратузилмасининг таркибий қисмларининг ЯИМга мутаносиблиги кўрсаткичларини солиштириш улар ўртасида сезиларли тафовут мавжудлигини кўрсатмоқда. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибий қисмларининг ташқи, яъни иқтисодиёт ва унинг соҳаларига мувофиқлигини таъминлаш, уларнинг ишлаб чиқариш, инвестицион ва бошқа самарадорлик кўрсаткичларини яхшилашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти (www.stat.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

¹⁴ Fernanda Ruiz-Nuñez Zichao Wei. Infrastructure Investment Demands in Emerging Markets and Developing Economies Policy Research Working Paper 7414. World Bank, 2015.


4-жадвал.

Жаҳон банкининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибий қисмларининг ЯИМ ўсишига мувофиқлигининг оптимал даражаси¹⁵

| | Энергия, газ ва буғ | Алоқа | | Транспорт | | Сув таъминоти | Канализация ва чиқинди | Жами тармоқлар бўйича |
|-----------------------------|---------------------|-------------|-------------|-------------------|-----------|---------------|------------------------|-----------------------|
| | | Симли алоқа | Мобил алоқа | Автомобиль йўлида | Темир йўл | | | |
| Паст даромадли давлатларда | 1,19 | 5,89 | 14,85 | 0,52 | 0,11 | 0,78 | 0,89 | 0,85 |
| Ўрта даромадли давлатларда | 0,93 | 6,00 | 9,85 | 0,85 | 0,04 | 0,56 | 0,63 | 1,30 |
| Юқори даромадли давлатларда | 0,41 | 1,33 | 1,11 | 0,59 | 0,00 | 0,15 | 0,15 | 0,52 |

Иқтисодийтни модернизациялаш ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини унга мос равишда самарали ривожлантириш айти пайтда унинг таркибий қисмларининг ички мутаносиблигини таъминлашни тақозо этади. Чунки ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибий қисмлари ўртасида ҳам узвий боғлиқлик мавжуд. Ўзбекистонда 2010-2018 йилларда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ички таркиби ўзгариб бормоқда (4-расм).

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси ҳажмида ахборот ва алоқа, ҳамда транспорт тармоқлари улушининг ошиб бораётганлигини, ва аксинча электр, газ, буғ билан таъминлаш, ҳамда сув, канализация ва чиқиндилар йиғиш тармоқлари улушининг камайиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин.



4-расм. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ички таркибининг ўзгариши (фоизда)¹⁶

Осиё тараққиёт банкининг (ОТБ) таҳлилларига кўра, Марказий Осиё давлатларининг 2030 йилгача бўлган инфратузилма хизматларига талаб

¹⁵ Marianne Fay, Tito Yepes. Investing in Infrastructure: What is Needed from 2000 to 2010? Policy research working paper 3102. World Bank, 2003.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти (www.stat.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

микдорини қоплаш учун ишлаб чиқариш инфратузилмасига инвестицияларнинг ички таркибининг оптимал даражаси мавжуд (5-жадвал). Унга кўра, ахборот ва алоқа тармоғининг иқтисодиётдаги ва бошқа инфратузилма тармоқларидаги ошиб бораётган талабини қондириш учун унга умумий инфратузилмага киритилаётган инвестицияларнинг 51,8% қисмини йўналтириш иқтисодиётнинг ва инфратузилманинг бошқа тармоқларининг самарали амал қилишига имконият яратади. Берилган оптимал кўрсаткичларни Ўзбекистондаги 2010-2018 йиллардаги ва Давлат дастурлари бўйича мўлжалланган инвестицияларнинг таркиби билан солиштириш, уларда тафовутлар борлигини кўрсатмоқда. Жумладан, ахборот ва алоқа, ҳамда электр, газ, буғ билан таъминлаш тармоқларида инвестицияларнинг улуши ОТБ оптимал даражасидан кам, транспорт тармоғининг улуши эса юқори эканлигини кузатишимиз мумкин.

5-жадвал.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасига инвестицияларнинг ички мутаносиблигининг солиштирма таҳлили¹⁷

| Инфратузилма тармоқлари | ОТБ ҳисоб-китобларига кўра 2016-2030 йилларда инвестицияларнинг оптимал таркиби | Ўзбекистонда 2010-2018 йилларда инвестицияларнинг таркиби | Давлат дастурлари бўйича 2017-2030 йилларда мўлжалланган инвестициялар таркиби |
|-----------------------------------|---|---|--|
| Ахборот ва алоқа | 51,8 | 42,4 | 38,5 |
| Транспорт | 34,6 | 42,5 | 54,0 |
| Электр, газ, буғ билан таъминлаш | 10,1 | 9,8 | 4,1 |
| Сув, канализация ва чиқинди йиғиш | 3,5 | 5,3 | 3,4 |

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларини ривожлантиришда улар ўртасида инвестицияларни оптимал тақсимлаш уларнинг яхлит тизим сифатида самарадорлигини ошириш имкониятини яратади ва айти пайтда иқтисодиётда инфратузилма хизматларига танқислик ёки ортиқча ишлаб чиқариш каби муаммоларнинг олдини олиб, унинг ривожланишида сифат кўрсаткичларини яхшилайдди.

Бундан ташқари, унинг иқтисодиёт билан мутаносиблигини таъминлаш иқтисодиётнинг модернизациялаш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ. Ҳозирги шароитда иқтисодиётнинг инновацион ривожланишига ўтиш уни модернизациялаш ва диверсификациялаш заруратини келтириб чиқармоқда. Айти пайтда, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг муҳим шarti ҳисобланувчи ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ўзини ҳам модернизациялаш зарур ҳисобланади.

¹⁷ Осиё тараққиёт банки ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси катта инвестиция маблағлар талаб этадиган соҳалардан бири бўлиб, уларда инвестиция маблағларининг шаклланиши ва тақсимоти ўзига хос ҳисобланади. Хусусан, кўриб чиқилаётган барча инфратузилма тармоқларида бозор механизми тўлиқ амал қила олмайди, уларнинг фаолиятида давлат улуши ва иштироки асосий ўринни эгаллайди. Натижада инвестицион маблағлар асосан давлат маблағлари ҳисобига шакллантирилади ва инвестиция қилинади.

Бундан ташқари ушбу тармоқларда нархлар давлат тарафидан бошқарилади. Шунинг учун, айрим соҳаларда, масалан, юк ташишда ва интернет тармоғи хизматлари учун нарх даражаси бошқа давлатларга солиштирганда баланд белгиланган, айрим соҳаларда эса, масалан электр энергияси соҳасида, нарх паст белгиланган. Бу муаммолар инфратузилма тармоқларининг ривожланишида кўзга ташланаяпти. Ўз-ўзидан нарх паст белгиланган соҳаларда корхоналарни ривожлантириш учун уларнинг ички инвестиция маблағларининг етишмаслиги, уларни молиялаштиришда давлат маблағларининг чекланганлиги муаммоларини келтириб чиқармоқда.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларининг номутаносиб ривожланиши бутун иқтисодиётнинг нормал амал қилишига салбий таъсир этади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларидаги самарадорлик ва мутаносиблик муаммолари қисман ҳар бир тармоқ даражасидаги ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ.

Масалан, иқтисодиётда юк айланмасининг камайишини кузатиш мумкин. Таҳлиллар 2010-2018 йиллардаги юк айланмаси физик ҳажмининг ўзгариши транспорт нархларининг ошиши ҳамда транспорт йўллари узунлигининг ўзгаришига узвий боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. 2010-2018 йилларда юк ташиш нархлари индекси 7,14 баробар ошган бўлса, шу даврда саноат маҳсулотлари нархларининг индекси 4,29 баробарга ошган, истеъмол нархлари индекси эса 3,51 баробар ортган¹⁸. Нархлар даражасининг баландлиги қисман логистика самарадорлигига ҳам боғлиқ. Жаҳон банкининг Логистика самарадорлиги индекси (Logistics Performance Index – LPI) кўра Ўзбекистоннинг логистика самарадорлиги кўрсаткичи 2010 йилга нисбатан пасайган бўлиб, жаҳоннинг 160 давлатлари ичида 99 ўринни эгаллаган¹⁹. Бу охир оқибатда пировард маҳсулот таннархида транспорт харажатларининг ўсишига олиб келмоқда.

Сўнгги йилларда ахборот ва алоқа тармоғининг иқтисодиётимиздаги аҳамияти жадал ошиб, унинг таркибида жиддий ўзгаришлар кузатилмоқда. Ахборот ва алоқа тармоғида интернет тармоғи хизматларининг улуши 2010 йилдаги 5,4%дан 2018 йилда 22,9%гача ошган, унинг 2000 йилдаги улуши бор-йўғи 0,1% ташкил этган эди. Интернет тармоғи хизматлари ҳажми 2010 йилга нисбатан 4,2 баробарга, 2000 йилга нисбатан эса 229 баробарга ошган. Шунга қарамасдан, тармоқнинг ЯИМдаги улуши 2018 йилда 1,9%ни ташкил этган. Бу кўрсаткич Жанубий Кореяда – 11,8 %, Америка Қўшма Штатларида –

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг расмий сайти (www.stat.uz).

¹⁹ Жаҳон банкининг логистика самарадорлиги индекси бағишланган расмий сайти: <https://lpi.worldbank.org/international/global>

6,8%, Швецияда - 7%, Японияда – 5,5 %, Хитой ва Ҳиндистонда – 4,7 % ни ташкил этмоқда²⁰. Таҳлиллар МДҲ давлатларига қараганда Ўзбекистонда стационар телефон фойдаланувчилари улуши 1,8 баробар, интернет фойдаланувчилари улуши 1,39 баробар, интернет тезлиги 10,4 баробар, кенг полосали симли интернет фойдаланувчилари улуши эса 1,73 баробар паст эканлиги аниқланмоқда²¹. Интернет тармоғи кўрсаткичларининг ривожланиши ишлаб чиқариш самарадорлигига ва умуман иқтисодиётнинг ривожланишига сезиларли таъсир этади. Ҳалқаро телекоммуникация иттифоқи маълумотларига кўра, интернет тармоғи кўрсаткичларининг ривожланиши ва киши бошига ҳисобланган ЯИМ ўртасида кучли корреляцион боғлиқлик мавжуд²².

Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 8 январдаги ПҚ-5614-сонли «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра АКТ соҳасини ривожлантиришни кўзда тутувчи «Рақамли Ўзбекистон – 2030» концепциясини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Биламизки, рақамли иқтисодиётга ўтишнинг асосий шартларидан бири алоқа ва ахборот инфратузилмасининг ривожланиши билан боғлиқ. Ушбу инфратузилмани ривожлантирмай туриб, иқтисодиётни рақамлаштириш ва инновациянинг кўпгина шаклларида фойдаланиш имкониятини чеклайди.

Мамлакат иқтисодиётига сезиларли таъсир этувчи ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларидан бири энергетика тармоғидир. 2018 йилда ишлаб чиқарилган 62,8 млрд кВт/соат электр энергиясининг 24,1 фоизи аҳолига, 40,6 фоизи иқтисодиётнинг саноат тармоғига, 20,7 фоизи қишлоқ хўжалиги, 11,5 фоизи коммунал-маиший, 2,6 фоиз транспорт ва 0,6 фоиз қурилиш соҳасига ишлатилмоқда²³. Ушбу тармоқнинг нормал амал қилиши ва ривожланиши бутун иқтисодиётга сезиларли таъсир этади. Аммо, мавжуд иссиқлик электростанцияларнинг (ТЭС) 84 фоизи бундан 50 йил олдин фойдаланишга топширилган. Бу ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб, ёқилғи сарфининг ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Иссиқлик электростанцияларида ёқилғининг солиштира сарфи ҳар бир кВт/соатга шартли 353,14г ни ташкил этмоқда, бу эса энергоблокларнинг фойдали иш коэффициентининг бор-йўғи 33,4 фоизини ташкил этади. Бундан ташқари, мавжуд 254,8 минг электр узатиш тармоқларининг 62,4 фоизи 30 йил аввал ишга туширилган ва ҳозирги кунда жисмонан эскирган ҳисобланади. Натижада ишлаб чиқарилаётган умумий электр қувватининг 20 фоизи узатиш тармоқларида, истеъмолчиларга етиб бормай йўқотилмоқда.

Диссертациянинг **«Ишлаб чиқариш инфратузилмасини самарали ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»** деб номланган учинчи бобида давлат стратегия ва дастурларини ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибий қисмларининг мутаносиблигини ошириш ҳисобига такомиллаштириш, ишлаб

²⁰ Манба: Ҳалқаро телекоммуникация иттифоқининг “Measuring International Society Report” ҳисоботи, ITU 2017, Женева, Швейцария.

²¹ Юкоридаги манба.

²² Юкоридаги манба.

²³ «Ўзбекэнерго»АЖнинг расмий сайти: <http://www.uzbekenergo.uz/uz/activities/indicators/>

чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни регрессион модель асосида такомиллаштириш, ишлаб чиқариш инфратузилмасини модернизациялаш ҳамда унинг самарали фаолиятини таъминлашда бозор механизмларини татбиқ этиш йўналишлари тадқиқ қилинган.

Охирги йилларда давлат тарафидан ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ҳар бир тармоғи бўйича уларни ривожлантиришнинг аниқ дастурлари ишлаб чиқилган ва уларда истиқбол кўрсаткичлари келтирилган (6-жадвал). Айтиб ўтиш керак ушбу дастурлардаги истиқбол кўрсаткичлари асосан ишлаб чиқариш имкониятларидан, яъни тақлиф тарафидан, келиб чиққан ҳолда келтирилган, аммо уларнинг талаб миқдори кўп ҳолларда ҳисобга олинмаган.

6-жадвал.

Давлат дастурлари бўйича ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг истиқбол кўрсаткичлари²⁴

| | 2017-2021 йилларда жами инвестиция миқдори (экв. млн. долл.) | Дастурлар бўйича режалаштирилган ўсиш (ўтган йилга нисбатан %да): | | | | |
|--|--|---|-------|-------|-------|-------|
| | | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 |
| Транспорт хизматлари | 4221,1 | 107,5 | 108,2 | 108,9 | 109,4 | 108,2 |
| Ахборот ва алоқа хизматлари | 317,8 | 121,8 | 123,8 | 125,9 | 127,8 | 123,8 |
| Электр энергияси ишлаб чиқариш қувватининг ўсиши | 3005,0 | 102,9 | 104,0 | 107,6 | 118,3 | 127,0 |
| Сув таъминоти, санитария ва санитар тозалаш | 267,7 | 113,5 | 119,8 | 110,6 | 110,6 | 110,5 |

